



# ИШОН

**Ушбу сонда:**

2  
**ОМБУДСМАН ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ**

3  
**ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМҚОН**

4  
**ШАҲРИСТОННИНГ МАФТУНКОР ҚИЁФАСИ**


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ 13 октябрь, сешанба 1998 йил №118(619) Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

### Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин шу йил 11-12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 11 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида Борис Ельцин ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Шу кунги Дурмон қароргоҳида олий мартабали мекхонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Президентларнинг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва умумбашарий хавфсизлик ҳамда бошқа муҳим масалалар ҳусусида ўзаро фикр алмашилди.



Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин (сўра) ва Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов (ўра) суҳбат чоғида.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган бир вақтда қароргоҳнинг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунига кўра бир қанча ҳужжатлар ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Шу ўринда алоқа соҳасида, ноқонуний молиявий операцияларга қарши кураш борасида, божона ишларида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, маданий соҳасида ҳамкорлик қилишни кўзда тутивчи ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Учрашувда таъкидланганидек, ўшбу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солимоғи лозим.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган бир вақтда қароргоҳнинг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунига кўра бир қанча ҳужжатлар ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Шу ўринда алоқа соҳасида, ноқонуний молиявий операцияларга қарши кураш борасида, божона ишларида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, маданий соҳасида ҳамкорлик қилишни кўзда тутивчи ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Учрашувда таъкидланганидек, ўшбу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солимоғи лозим.

12 октябрь кунги эрталаб Дурмон қароргоҳида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, сивсий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди. Ўзаро алоқаларнинг кенгайтиришда икки томон ҳам бирдай манфаат топди. Негаки, икки мамлакатнинг бир-бирига боғлайдиган омиллар талабига. Аввало, иқтисодиётда. Икки мамлакат саноат қорхоналари ўртасидаги ўзаро тенг манфаатли алоқаларни бугун янада кенгайтириш зарурати тўғрисида. Хусусан, ҳозир Россияда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, энгил саноат хомашёси, хусусан, Ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёж қанчалик катта экани сир эмас. Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари В.Густов журналистлар билан учрашувда айтганидек, «Бугун Россия ўз энгил саноатини лоқаб бир оз бўлса-да ҳа-

ракатга келтириб турмоғи даркор». Бунинг учун эса унга ўзбек пахтаси сув билан ҳаводек зарур.

Музокараларда икки мамлакат минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга молик эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу ўринда Борис Ельцинга Россиянинг қўпгина йирик вазирликлари ва губернаторлари раҳбарлари ҳамроҳ бўлиб келганини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, субъектлар, худудлараро ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун албатта ҳукуматнинг арасида шарт эмас.

Ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, учта муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. - деди Ислам Каримов. - Биринчи масала транспорт харажатлари ва уларнинг тарифлари билан боғлиқ. Негаки, баъзан йўлга кетадиган сарф-харажат олиб келинаётган ёки олиб келинаётган маҳсулотларнинг қиммати тўшапти. Иккинчиси шериклик, яъни кооперация масаласи. Мамлакатларимиздаги соҳалараро шериклик муносабатларини ривожлантириш керак. - Яна бир муҳим масала эса божона, солиқ билан боғлиқ. Бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат куради.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёни қандай кечаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу кунга қадар давлатлараро ҳужжатлар ва идоралараро ҳужжатлар имзоланган. Мамлакатимиз раҳбарлари ҳамкорликни чукрлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳақида таъкидлаш керакики, ўшбу ҳужжат асосида ҳозирги пайтда стратегик аҳамият касб этиб бораётган ўзаро муносабатларимизнинг янги қирралари ривож топди. - деди жумладан мамлакатимиз раҳбари, Дарҳақиқат, ўзаро савдо- иқтисодий алоқалар ҳозирча икки давлатнинг мавжуд имконияти даражасида эмас. Бироқ, икки мамлакат ўртасида Ҳукуматлараро комиссиянинг тузилгани, худудлараро алоқаларнинг ўрнатилгани, умуман, ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилганининг ўзидек Ўзбекистон-Россия алоқаларининг келажақда бундан-да рағбат топаятигана имкон беради. Ушбу ташриф асосида имзоланган муҳим ҳужжатлар эса уларни янада тўлдирди.

дан Президент Ислам Каримов.

Ушбу учрашув ҳар икки давлат раҳбарлари Россия билан Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга қатъиян шай турганини тасдиқлади. - деб таъкидлади Борис Ельцин. - Биз Ўзбекистон билан ташқи сиебат, иқтисодий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бўлиб ўтган музокараларда МДХнинг жанубий чегараларидаги беқарор вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун мавжуд сиесий омиллардан самарали фойдаланишга келишиб олдик. Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун эса биргаликда, ўзаро баҳамжихат иш кўрмоғимиз зарур.

Шу кунги Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи нихосига етди. Тошкент аэропортида Борис Ельцинни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов кузатиб қолди.

Шу эрининг ўзида мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача интервью берди.

- Россия давлатининг халқаро майдондаги мавқеи юриватган сиебатининг таъсири катта, - деди, жумладан, Ислам Каримов. - Шу боис ҳам Россиядаги иқтисодий таназзул тўғрисида жаҳон матбуотида жуда кўп ёзилаётган. Қим қайси сиесий йўлни маъқул кўрс, худди шу нуқтага назардан Россия салоятини, унинг сиебатини талқин этаётган. Бу эса ўз ўрнида Россияда қандайдир мамлакатимиз бошқариб турган президент Борис Ельцинга бўлган қизиқчини кучайтирмакда.

Россия ҳозирги мавжуд молиявий инқирозлардан қандай йўл билан чиқади, деган савол кўндаланг турибди. Бу халқаро жамоатчиликни қизиқтиради, албатта. Ҳозир Россиянинг олдидики иккита йўл бор. Биринчиси, мана шу демократик ислохотларни қатъийлик билан охирига қадар изчил давом эттириш ва осейшталлик ўрнатилиши, шунингдек, Афғонистон можажаросининг тинч, сиесий йўл билан ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади.

- Тожикистон ва Афғонистондаги кескин вазият оқибатлари нафақат Марказий Осиё мамлакатларига, балки Россияга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мен бир ердә халқаро терроризм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, шунингдек, сиесий ва диний экстремизм мафқурасини назарда тутаятман, - деди жумладан

ҳам ибрат бўлган. Бунинг ҳам ҳеч қим инкор қиллолмайд.

Иккинчи йўл эса, бу - демократик тамойиллардан воз кечиб, яна тоталитар тузум йўлини туттиш, эски иттифоқ давридагидек иш юритишдир. Бу эса Россиядек мамлакатни иқтисодий маҳдудликдан асло чиқара олмайди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон сахнадаги ўрни ва Россиядаги ҳозирги ахволга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

- Бугунги кунда Ўзбекистонга бўлган қизиқши тобора ортиб бораётган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ биз ўз йўлимизни қатъий белгилаб олган эдик. Ушунда собик иттифоқдаги қўпгина давлатлар бизга менсимгандай қараган эди. Мана, ҳозир ўзимизни қўшни давлатларга қиёслайдик. Уларнинг ахволини кўриб турибсиз. Айниқса, ешларимиз бунга алоҳида эътибор бермизи зарур.

Айрим давлатлар ислохотларни тезкорлик билан ўтказамиз, деб «фалаж қилиб даволаш» усулини танлашди. Бу ҳам иқтисодиётда, ҳам сиебатда қўлланмади. Қимнинг қандай ҳолатида экани бугун қўпчилигининг кўз ўнгидики турибди. Энг ачинарли томони - бу маънавий инқироздир. Дарров сезилмайдиган бу ҳолат сиесий ва иқтисодий инқирознинг оқибати, дея қараш керак. Аввало одамларнинг ўзи тўқ, усти бот бўлиши лозим. Шунинг учун Россиядаги ахволини келтириб чиқараётган кўлар, аввало, одамларни тўдиришни ўйлаши, сўнгра ҳар қил чакриқ ва давлатларга қиришши тўғрисида бўлиб эди, деб ўйлайман.

Мамлакатимизнинг 1991 йилда танлаган йўли нечоғли тўғри эканини вақтининг ўзи кўрсатди. Босқичма-босқич амалга оширилаётган сиесий-иқтисодий ислохотларимиз ўз натижаларини бера бошлади. Энг аввало отабоболаримиздан мерос қолган кадрларнинг улуглаб, миллий гуруру ва ифтихор тўғрисидаги қадрламоқдамиз. Бизни нафақат Марказий Осиё ёки МДХ давлатлари орасида, балки жаҳон майдонида ҳам ўз ўрни бор давлат сифатида танишди. Чунки, биз сиесий ва иқтисодий ислохотларни маънавий билан ҳамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормоқдамиз. Бу танлаган йўлимизнинг тўғрилигини далолатлади.

**ШУҲРАТ УМИРОВ,**  
**ФАРҲОД АРЗИЕВ,**  
**АБРОР ҚИЛИЧЕВ,**  
/ЎзА/

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 октябрь кунги Россия Федерацияси Таристон Республикасининг Президенти Минтемир Шаймиевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мекхонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Россия Федерациясининг субъекти бўлган Таристон Республикаси билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганидан манмуният изхор этди.

- Ўзбекистон билан Таристон ўртасида қорхоналар, ишбилармон доиралар даражасида тўғридан-тўғри алоқалар кенгаймоқда, - деди жумладан Ислам Каримов. - Уйлайманки, ташрифингиз ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг янада ривожланишига туртки бўлади.

Президент М.Шаймиевга Таристон ҳукуматининг расмий делегацияси ҳамда қатор қорхоналар раҳбарлари ва ишбилармонлар ҳамроҳлик қилмоқда. Мазкур ташриф доирасида Тошкентда икки томонлама музокаралар ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, қорхоналар раҳбарлари, ишбилармонларнинг анжумани бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари икки тадбир ҳам ўзаро муносабатлар ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ўринда, 1993 йилда Ўзбекистон ва Таристон ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланганини эсламоқ жоиз. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 40 миллион АҚШ долларини ташқил этди. Таристон Ўзбекистонга қимм ва нефт қиммеси саноати маҳсулотлари, қора металлдан ишланган буюмлар, авиация двигателлари, насослар экспорт қилади. Ўзбекистон эса Таристонга энгил автомобил, рангли металл, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради.

Айни кунда Таристон Ўзбекистонга нефт-газ соҳасида ишлатиладиган жиҳозлар, энгил ва фармацевтика саноати маҳсулотларини экспорт қилиш, бу ердан энгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортни ҳажмини ошириш, қорхоналараро алоқаларни фаоллаштириш, маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш истагини, М.Шаймиев шулар ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистондан олинаётган автомобилсозлик маҳсулотлари, мебеллар ҳажмини ошириш нияти борлигини ҳам маълум қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Таристон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов, мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқалар вазирини Э.Ҳамидов, Таристон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Муратов иштирок этди.

## Тошкент билан танишув

11-12 октябрь кунлари мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлган Россия Федерациясини Президенти Борис Ельцин рафиқаси, Наина Ельцина Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрига ташриф буюрди. Бу ерда Александр Бородин асарига асосида сахналаштирилган «Князь Игорь» операси намойиш этилди.

Н.Ельцина Темурийлар тарихи Давлат музейини ҳам томоша қилди. У Соҳибқирон Амир Темуру ва Темурийлар ҳукмронлик қилган даврдаги сиебат, иқтисодиёт, маданият ва маърифат ҳақида қўпқи қилувчи экспонатлар билан танишди. Шунингдек, россиялик мекхон музейида уюштирилган халқ амалий санъати намуналари кўргазмасини кўздан кечирди.

/ЎзА/

## Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунлари юзасидан ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тақлифига биноан 1998 йилнинг 11-12 октябрда Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

И.А.Каримов ва Б.Н.Ельцин ўртасида бўлиб ўтган музокаралар давомида Россия-Ўзбекистон муносабатларининг ахволи ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди. Музокаралар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларига аънавий равишда хос бўлган дўстлик, ҳамжихатлик ва конструктивлик руҳида бўлди.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги серқирра алоқалар 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномага ҳамда 1994 йил 2 мартдаги Ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларацияга мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш принципларига асосланишни тасдиқладилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Россия муносабатларига стратегик шерикликнинг мустаҳкамланиши, ўсиб бораётган динамикалик хос эканлиги қониқши билан қайд этилди. Ўзбекистон билан Россиянинг бундан буён ҳам янада қалин ва жадал ўзаро алоқадорликда олға боришлари ҳақида қатъий ишонч билдирди.

Устувор йўналишларда савдонинг, ишлаб чиқариш кооперациясини, инвестицион ва илмий-техникавий ҳамкорликни, минтақалар ва хўжалик йирутвчи субъектлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ўзаро фойдалани ривожлантиришнинг янги узок муддатли истиқболларини очадиган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Шартноманинг имзоланиши ҳамда тегишли фаолият Дастурининг тасдиқланиши: бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Президентлар Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятини кучайтириш истагини изхор қилдилар.

Россия томони Ўзбекистонда консуллик муассасалари очилишидан манфаатдор эканлигини билдириб, Ўзбекистон томонини муқобил хоҳиш-истакларини ҳисобга олишга тайёрлигини тасдиқлади.

Томонлар бошқа мамлакат ҳудудида доимий равишда яшаб келаётган бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида, қучириш жараёнини тартибга солиш ва қучувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ишчи қучи муҳимиятини имзолаш имкониятини қўшимча равишда кўриб чиқишга келишди.

Ташриф доирасида икки томонлама муносабатларнинг шартномавий негизини тўлдириб, тақомиллаштирадиган бир нечта ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланди. Ташқи сиесий муаммоларни муҳокама қилишда иккала давлат бошлиқлари минтақа ҳамда дунё микросида халқаро тинчликни, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳамжихатликни чуқурлаштириш, ҳаракатларни янада кўпроқ мувофиқлаштириш истагини билдирдилар.

Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги Декларация имзоланди. И.А.Каримов ва Б.Н.Ельцин ўшбу ҳужжат учала давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдалани ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлади, дея яқдил фикр билдирдилар.

Президентлар Ўзбекистон билан Россиянинг БМТ, бошқа халқаро ташкилотлар ва кафил давлатлар билан ҳамжихатликда Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувликни ўрнатиш тўғрисидаги Умумий Битимни комплекс бажариш, шунингдек унинг иқтисодий тикланиши ва тараққиёти асосида Тожикистонда тинчлик жараёнининг олға силжиши учун ҳамкорликни давом эттириш ниятини тасдиқладилар. Бу борада Президентлар мижорани ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш жараёнига тортилган томонларни эзгу ирода ва давлат оқиллигини намойиш этишга, Миллий яраш бўйича Колмиссия доирасида амалий ҳамкорлик қилишга даъват этдилар.

И.А.Каримов ва Б.Н.Ельцин Афғонистондаги вазият ҳамда афғонлараро қуролли қарама-қаршиликни қучиб бораётганлиги Марказий Осиё давлатлари ва Россия учун саларбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини жиддий таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни Россияга ташриф буюришга тақлиф қилди. Тақлиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддати қўшимча равишда келишиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари Афғонистондаги вазият ҳамда афғонлараро қуролли қарама-қаршиликни қучиб бораётганлиги Марказий Осиё давлатлари ва Россия учун саларбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини жиддий таъкидлади. Афғонистоннинг ислохотларини изхор қилдилар.

Президентлар БМТнинг афғон мижоросини яқли сиесий ҳал этишининг асосий принципларини, шу жумладан БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1998 йил 28 августдаги резолюциясини очикдан-очик инкор этаётган Толибон ҳаракатининг позициясини ушбу бирдорқушлик урушининг қўзилишига асосий сабаб бўлганлиги деб ҳисоблайдилар.

Муайян ташқи қучларнинг Афғонистон ички ишларига аралашishi, мамлакатда инсон ҳуқуқини қўпол равишда бузиб, террорчилик ва нарқобизнесни қўллаб-қувватловчи экстремистик режимнинг қарор топаяётганлиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Жанубий худудларига тўғридан-тўғри таҳлика солаётган.

Президентлар Афғонистоннинг суверен, мустақил, бир бутун давлат ҳамда халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, бошқа давлатлар учун яқши қўшни сифатида сақлаб қолиниши зарурлигига бўлган ишончларини яна бир қарра таъкидлайдилар.

Шу мақсадда Ўзбекистон ва Россия икки томонлама ҳамда қўп томонлама даражаларда яқндан ўзаро ҳамкорлик қилишга, ички афғон қуролли мижоросини барча афғонлар учун мақбул тинч сиесий ечимлар топши ўзанига солиш учун БМТ амалга ошираётган ишларда фаол қатнашишга тайёрдир.

Хусусан, давлатлар бошлиқлари «Афғонистоннинг қўшилари ва дўстлари гуруҳи» /6+2/ доирасида маслаҳатлашишларга муҳим аҳамият берадиган ҳамда гуруҳнинг шу йил 21 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашуви якунлари бўйича тузилган ҳужжат қондаларини маъқуллайдилар.

Президентлар афғон мижоросини сиесий йўл билан ҳал этишининг мумкин бўлган чораларини биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида мазкур Гуруҳнинг навбатдаги учрашувини Тошкентда турли афғон қучларининг вакиллари иштирокатида ўтказиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлайдилар.

Президентлар Толибон ҳаракатини, ҳам мамлакат ичидики, ҳам ундан ташқарида бўлган бошқа нуфузли афғон қучларини афғон давлатчилигини сақлаб қолиш, мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, афғон заминидики иқтисодий ва маданий тикланишга эришиш учун конструктив мулоқотга даъват этадилар.

Афғон муаммосини бу тарада ҳал қилишга эришиш учун Афғонистон ҳудудидаги барча жанговар ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш, Афғонистон Ислам Давлатининг барча қўшилари ҳамда бошқа давлатлар тарафидан мижоронинг истаган томонига ўз худудидан ёки ўз худуди орқали қурол-яроғ ва ҳарбий мулк етказиб берилишига йўл қўймаслик мажбуриятини олиш ҳамда унга сўзсиз амал қилиш, афғон ички ишларига ҳар қандай аралашishi йўл қўймаслик ва барча этиқ гуруҳ ҳамда сиесий оқимлар иштирокидаги қўп вакилли ҳукумат тузиллини даркор.

Президентлар Афғонистонда ва унинг теварағида юз бораётган хавфли вазиятнинг лоқаб қўзатиб туролмасликларини, зарур бўлган барча мувофиқ чораларни қучишларини таъкидлайдилар.

Президентлар афғон мижоросини сиесий йўл билан ҳал этиш учун вақт ва имкониятлар қўлдан бой берилганича йўқ деб ишонч билдирдилар. Ақл-идрок ва эзгу ирода гўлиб чиқмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.КАРИМОВ Россия Федерацияси Президенти Б.Н.ЕЛЬЦИН Тошкент шаҳри, 1998 йил 12 октябрь

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

**Мустақиллик шахнинг ўзлигини англамоқ ва ўзлигини танимоқ демакдир. Агар унинг таркибий қисмларини бирма-бир тахлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда фуқароларимиз олдида турган ва-зифалар ўзининг бутун буй-баста билан намоён бўлади. Биринчи навбатда одамларнинг дунёқараши ўзгариши, гурур, орият, шанъ ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга меҳру муҳаббати, эгаллик масъулияти ҳисси беқийс ортанлигини кўраимиз.**

Мамлакатимиз - ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-қўйда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олижаноб хусусиятларидан биридир. Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашдир.

Шахс миллий ўзлигини англаши тушунчасининг таркибий қисмлари эса қуйидагилардан иборат. Миллатга мансубликни англаш, маъзур миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини тушуниб етиш, миллий қадриятларга садоқат, миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, унинг ривожланиши йўллари билан, миллий тараққиётга виждонан хизмат қилиш.

Демак, миллатга мансубликни тушуниш деганда, шахснинг ўз миллатига дахлдор барча асосий маъмулотлари (ахборотларни) билиши, унинг умуминсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаши ҳам назарда тутмоқ керак. Ҳозир миллатнинг узок-яқин ўтмишини, бошқалардан фарқи хусусиятлари, қадриятларини билмайдиган шахсда

Бошқа этносларнинг маъжудлигини англаш ўз имкониятларини ўзгаларники билан чоғлаштириб кўриш, уларнинг мақбул ҳаётий тажрибасини ўрганиш ва қўлаш натижасида олға интилиш вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаш миллий онг шаклланишига, ғафлатда ётганларни уйғотишга, бинобарин, унинг тарихини тирилтиришга хизмат қилади. Маълумки, тарихдан беҳабар одам кўр одамдек гап, уни қаёққа етакласанг, ўша ёққа кетаверади. Шунинг учун ҳам Президентимиз тарихчи олимлар, журналистлар билан қилган суҳбатларида ҳам миллий мафкурамиз ва ҳаққоний тарихимизни яратиш муаммосига эътиборимизни жалб қилган эди. Кўп ўтмай, Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари эълон қилинди. Ушбу Қарорлар ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, Ўзбекистон тарихи бўйича салоҳиятли етуқ тарихчилар илмий мактабини яратиш, Ватанимизнинг бой ва ранг-ба-


ранг тарихини тиклаш, унинг негизда халқимиз, айниқса, ёш авлод тафаккурида ҳаққоний тарихни идрок этиш ҳамда тарихий хотира туйғусини тарбиялаш мақсадида қабул қилинди.

Хуллас, миллатлар этник бирлик сифатида маълум хусусиятларига кўра биридан фарқлиниб турар экан, ер юзининг табиий-жугрофий шароитларида тафовутлар маъжуд бўларкан, миллий манфаатлар ҳам сақланиб қолади. Миллий ўзликни англаш кучайгани ва мустақамлангани сари уни ифодалаш ҳамда рўёбга чиқариш воситалари доираси ҳам кенгайиб боради. Эндилқда мустақилликни мустақамлаш, истиқлолни ҳимоя этиш вазифаси турибди. Унинг рўёбга чиқишида тафаккурнинг, ақл-идрокнинг юксалиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий тафаккур юксала боргани сари, жамият тараққиётининг юқори босқичлари забт этилади. Бу ҳар бир оила, ҳар бир киши ҳаётининг фақулқоди фаровонлашувига олиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликни мустақамлаш учун мен нима қилдим, деган савол кундалик ҳаётимизнинг бош талабига айланиши керак. Энг асосийси, биз фақат бугунинг рағбатлари билан эмас, балки Ватан қудратини ошириш, уни обод ва фаровон кўриш истаги билан яшашни ҳаётимизнинг асосий мақсадига айлантира олишимиз зарур.

**Жўрақул БАҲРОМОВ,**  
Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти кафедраси мудири.

**Тўрақўргонда бунёд этилаётган шакар ишлаб чиқарувчи цех жонкуярларидан бири, тажрибали муҳандис Абдужаббор Деҳқонов (суратда) ёшлар ўртасида тарғибот ишларини намунали олиб бормоқда. У мутахассисларни касба оид адабиётлар, қўлланмалар билан таништириб боради. Мураббий кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Ихтидорли ёшларнинг кўпчилиги замонавий корхоналарда сидқидил меҳнат қилмоқдалар.**



**Саволларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош назори Қарим МУХТОРОВ жавоб беради**

**1997 йилнинг 17 ноябрдаги 305-сонли буйруқ билан ишдан 40 минут олдин кетиб қолганим учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган эди.**

**1998 йил III-чораги ҳисоботини ўз вақтида топширмадим. Шу сабабли мени Ўзбекистон Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-банди бўйича ишдан бўшатишмоқчи. Қанча илтимос қилсам ҳам раҳбаримиз мени ўз вазифамда қолдиришни хоҳламапти. Агар кўрсатилган асосда ишдан бўшатишсам судга муурожаат қилсам бўладими?**

**Мансур Ҳотамов,**  
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Меҳнат кодексига мувофиқ ҳар бир ходим ўз меҳнат вазифаларини ва Ички меҳнат тартиби қоидаси талабларини бажариши шарт. Агар бу талаблар бажарилмаса, Меҳнат кодексининг 182-моддасида кўрсатилган интизомий жазоларни қўланиши тартибига риоя қилинган ҳолда 181-моддада кўрсатилган интизомий жазо чоралари қўланиши мумкин, яъни ҳайфсан эълон қилиниши, ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жазима солиниши (агар Ички меҳнат тартиби қоидасида кўрсатилган бўлса, кичик фоизга) жарима солиниши мумкин, энг охириги чора меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ходим аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган чоралар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходим томонидан такроран интизомий бузиши унинг меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиши деб ҳисобланади ва ходимни Меҳнат кодексининг 100-моддаси II-бўлимнинг 3-банди билан ўз вазифасидан озод қилинишига асос бўла олади.

Қонунда «қаттиқ ҳайфсан» интизомий жазоси кўрсатилган эмас экан, демак, жазо қўлланилмаган ҳисобланади. Шу сабабли Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II-бўлим, 3-банди билан Сизни ишдан бўшатиш қонунда кўрсатилмаган.

Иш берувчи ҳозир Сизга Меҳнат кодексига кўрсатилган «Ҳайфсан» эълон қилиши ёки жарима солиши мумкин. Шунинг ҳам ёддан чиқармаслик керакки, агар Ички меҳнат тартиби қоидасида ёки меҳнат шартномасида йилнинг ҳар чорагида бериладиган ҳисоботни ўз вақтида берилмаслиги ходимнинг меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузилиши рўйхати киритилган бўлса, иш берувчи Сизни Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II-бўлимнинг 4-банди билан ишдан бўшатишга ҳақли ҳисобланади.

Иш берувчининг Меҳнат қонунчилиги талабларини тўлиқ билимаслиги оқибатида Сизга қонунсиз жазо қўллашдан фойдаланиб, меҳнат интизомини ҳа, деб бузиш яхши эмас, Ички меҳнат тартиби қоидаси талабларини тўлиқ бажариш керак. Иш берувчи ўз навбатида меҳнат қонунчилиги талабларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Чунки, қонунсиз чиқарилган буйруқни ўз буйруғи билан бекор қилишга тўғри келиб қолиши ҳақ гап эмас.

**Ишлаб чиқариш зарурати туфайли 1998 йилнинг март ойида меҳнат таътилидан қақриб олинган эдим. Шу сабабли 1998 йилнинг 10 сентябрдан оилавий шароитим туфайли фойдаланилган меҳнат таътилимдан фойдаланиш учун ишга чиқмадим. Шу йилнинг 25 сентябрда ишга чиқсам мени айблашди ва иш ҳақимдан йигирма фоиз ушлаб қолиш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Шу тўғриси, ахир мен фойдаланилган меҳнат таътиллари кунни ҳисобидан дам олдимми?**

**Гулбаҳор Одамбеова,**  
Беруний тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 147-моддаси талабларига мувофиқ меҳнат таътилидан қақриб олиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Таътилни фойдаланилмаган қисми ходимга ўша йил давомида бошқа вақтда берилиши ёки Меҳнат Кодексининг 143-модда талабларига риоя қилинган ҳолда кейинги иш йилининг таътилига қўшиб берилиши керак. Айтганда, бу ходимни таътидан қақриб олиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатиб ўтилган бўлиши керак. Агар фойдаланилмаган таътидан фойдаланиш мuddати кўрсатилмаган бўлса, унда бу таътидан фойдаланиш ўзаро келишув орқали амалга оширилади. Бу талаб ходим томонидан бузилса (иш берувчи билан келишилмаган бўлса), у проғул қилган ҳисобланади ва ходимга иш берувчи Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабларига амал қилган ҳолда 181-моддада кўрсатилган биронта интизомий жазо чорасини қўллаши керак.

Шундай экан, Меҳнат кодексининг 181-моддасида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи томонидан ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солишига ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

## Омбудсман ва касабга уюшмалари

Яқинда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгашида касабга уюшма фаоллари билан Халқаро Омбудсманлар институти, АҚШ Омбудсманлар ассоциациясининг аъзоси, 1995 йил июнидан Россия, Молдова, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон, Туркменистон, Грузия ва бошқа мамлакатларда Омбудсманлар бўйича маслаҳатчи ва эксперт, профессор Дин М.ГОТТЕРЕР ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) котибати бошлиғи Маъруф УСМОНОВ билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Готтерер ва Маъруф Усмонов Омбудсман тарихи, унинг халқаро ривожланиши, Ўзбекистонда Омбудсман ва унинг шаклланиши, истиқбол режалари ҳақида батафсил маълумот бердилар. Суҳбат катта қизиқиш билан ўзаро савол-жавоб асосида ўтди.

Парламент хузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил институти тузиш биринчи марта Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримов таъаббуси билан кун тартибига киритилган эди. Бундан мақсад 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарори билан ташкил этил-

# Қонун барча учун баробар

Рейд натижалари нимани кўрсатди?

## ВИЖДОНГА ХИЁНАТ

Чиноз тумани солиқчилари бу гагли рейдда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини ва табиати муҳофазат қилиш тўғрисида»ги қонунни жойларда қандай бажарилаётганини ўрганишга қарор қилди. Рейдга туман ички ишлар бўлими ва санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ҳам жалб этилди. Улар бозорларни ва савдо учун мўлжалланган бошқа жойларни синчковлик билан кўздан кечирганларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилаётган бир гуруҳ «балиқчи»ларни қўлга туширдилар.

Улар туман атрофидаги дарё ва кўлларда ўрчишиб кўпайтирилаётган балиқларни ҳуфай йўллар билан тўрга тушириб, тонг ёришмай катта йўл бўйларига олиб чиқаришда дакми ёйилмай ими-жимда пулдакча яна изларига қайтишарди. Уша кунни рейд катнашчилари ўндан ортик сохта балиқчиларни тўрга туширдилар. Орадан бироз вақт ўтган соқилчилар яна балиқфурушларнинг изига тушдилар. Шу тарика қисқа вақт ичида 1985 килограмм балиқ қўлга олинди давлат ҳисобига мусодара қилинди. Буни пулга қақсангиз 150 минг сўмдан кам бўлмайди.

Қонунбузар балиқчилар устидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб чора кўриш учун теъда туман судига юборилди.

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 1392 нафар фуқаронини рўйхатга олишган. Утган ойлardan улардан салкам 15 миллион сўм даромад солиғи ўндирилди. Соқилчилар рейд ва текширувлар давомида яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар тадбиркорлик қонун-қондаларига қанчалик риоя этаётганликлари ни алоҳида текширувдан ўтказмоқдалар. Шу жараёнда 285 нафар тадбиркор ва тижорат-

чи солиқ қонунчилигига зид хатти-харакатлар учун салкам 600 минг сўм маъмурий жаримага тортилди. 21 ҳолатда жиноят аломатлари бўлганлиги учун тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Тўпланган материалларнинг биринчи «Чиноз» оқиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 10-дўкон сотувчиси М.Иброҳимовнинг қилмишлари баён этилган эди. У бир харидорда 150 сўм хизмати кўрсатиб ундан 155 сўм 50 тиийн уриб қолган эди. Олғич сотувчи жиноят кодексининг 187-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатларини содир этганлиги учун унинг устидан жиноят иши қўзғатилди. Фуқаро Саиди Қўзағмедова ҳам бир йилда икки марта савдо қондасини бузганлиги, харидорлар ҳақида хиёнат қилганлиги учун унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Соқилчилар «Янгиобод» жамоа ҳўжалиги ҳудудида яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланган фуқаролар фаолиятини кўздан кечира бозир қизик-қизик ҳолатларнинг устидан қилдилар. Фуқаро Фахриддин Йўлдошев Қозғистондан сифат сертификати бўлмаган 70 қоп уни айланма йўллар билан олиб келиб ҳам қишлоқларига устама нарх билан пуллаётган пайтида қўлга тушди. Фуқаро Қарим Сулаймонов ҳам истеъмолга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган 71 қоп уни Қозғистондан яширинча олиб келиб пуллаётган пайтида ушланди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилапти.

Яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи Шокир Шўғломов, Муस्ताфо Усмонов, Раҳман Ҳакимов, Махмуд Тожиев эса ўзларига қарашли турғун савдо шаҳобчаларини давлат нозорат қўрсатқичликлари учун қатта миқдорда жаримага тор-

тилдилар. Туман солиқ инспекциясининг савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш соҳаси қорхоналари фаолиятини назорат қилиш бўлими ходимлари ўтган ойлarda 137 та текширув ўтказишган бўлса, шундан 127 тасида турли хил қондбузарликлар маъжудлиги аниқланди. Ун ҳолатда харидорлар ҳақида 2819 сўм хиёнат қилинган бўлса, 46 ҳолатда 23 минг сўм савдо тушуми назорат касса машиналаридан ўтказилмаганлиги, 5 ҳолатда эса 182,5 минг сўмлик товар моддий бойликлардан камомадга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Рейд ва текширувлар давомида айрим фуқаролар тадбиркорликнинг таъқиқланган турлари билан яширинча шуғулланаётганликлари ҳам ошқор бўлди. Раҳматжон Шеров шундай устамонлардан чиқиб қолди. Унинг ўзи Сирдарё шаҳрида истиқомат қилсада, Чиноз шаҳар «Оқ олтин» кўчасидаги 14-уйда яширинча пахта ёғи ишлаб чиқарувчи цех ташкил этган экан. Ҳаш-паш дегунча 54,5 минг сўм даромад ҳам қилдибди. Агар солиқчилар ишнинг белига тепмаганларида хозир у сифатсиз ёғнинг пулига маст бўлиб еттинчи осмонда учиб юрган бўлармики... Лекин яроқсиз ёғни истеъмол қилганларчи? Улар оғир дардларда чалинишлари турган гап эди. Бежизга пулга ружу қўйган Раҳматжон бу ёғни уйламай қалтиришга қўл урган эди. Энди у қилмишига пушаймон бўлиб юрибди.

Биз жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахслар фаолиятини ҳам мунтазам назорат қилиб бораёلمиз, дейди Чиноз тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Рустам Алимухамедов. - Утган ойлarda боқиманди маъжуд бўлган 124 та йирик қорхона ва ташкилотга талабнома топширган эдик. Шундан 89 таси салкам эки миллион сўмлик боқимандасини тўлади. Бюджет олдидида мажбурийини бажармай келаётган 18 та қорхонанинг қарзи эса унинг мол-мулкидан ундириб олинмоқда. Улар орасида омухта ем тайёрлаш қорхонаси ҳам бор. Унинг ҳатланган мулкидан 200 минг сўмлиги шу кунгача сотиб бўлинди. Қўрилаган чора-тадбирлар туфайли боқимандалар камайиб, башорат кўрсатқичлари ойма-ой ортки билан адо этиб келинаёпти.

Бу йил туман солиқчилари томонидан 137 та қорхона ва ташкилотда солиқ қонунчилиги қандай бажарилаётганлиги текширилди. Текширувлар давомида бюджетга 22,2 миллион сўм солиқ ва жарималар ундирилди. Жавобгар шахслар 589 минг сўмлик маъмурий жарималар тортилди.

Биргина «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг молиявий фаолияти текширилганда фойда солиғи ҳисобидан салкам миллион сўм солиқ солиш базаси кам кўрсатилганлиги маълум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддаси 3-қисмига биноан яширилган даромадлар тўлалигига ва яна шунча миқдордаги жаримаси билан бюджетга ундирилиши олинди. Текширув давомида яна бир қатор молиявий бузилишлар аниқланиб тегишли жазо чоралари қўрилди.

Солиқчилар шунга ўхшаш ҳолатга туман машина-трактор паркида ҳам дуч келдилар. Текшириш натижалари бўйича қорхонанинг собиқ раҳбари Ю.Захаров ва бош бўлгалтер И.Умаров маъмурий жарималарга тортилди. Бюджет олдидидаги мажбурийини бажармайдиган раҳбарларга нисбатан бундан бун ҳам шафқат бўлмайди.

**Жасур НОСИРОВ,**

## МУШТАРАК ВАЗИФАЛАР

ган Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўла бажарилишига қўмақлашди. Унинг ҳузурида Фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя қилиш юзасидан комиссия тузилди. Вакил ва Комиссия фаолияти Олий Мажлис Кенгашининг 1995 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган ва Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили тўғрисидаги Низомда унинг иш тартиби кўрсатилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг ўрни ва ҳуқуқий ҳолатини ошириш учун Вакил ҳақида қонун лойиҳаси устидан иш бошланди ва унда нафақат Олий Мажлис кўмиталари аъзолари республиканинг ҳуқуқшунос олимлари ва улар билан бирга ПРООН эксперти жаноб Дин Готтерер катта иш олиб бордилар. Қонун лойиҳасини тайёрлашда Хорун Омбумандлар тажрибалари ҳисобга олинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил тўғрисидаги қонун лойиҳаси матбуотда кенг халқ оммаси муҳокамасига қўйилди. 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккинчи сессиясида «Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили (Омбудсман) тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Маъзур қонун Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди, унинг фаолияти қамрови ва жиҳатларини, лавозимига сайланиш ва лавозимдан озод қилиш тартибини, фуқаролар шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинлик-

ларини ҳимоя қилиш ваколатларини белгилаб беради.

Учрашув катнашчилари Омбудсман ва унинг келиб чиқиш тарихи ҳақида сўрадилар. Унга профессор Дин Готтерер жавоб берди. Омбудсман дастлаб Швецияда пайдо бўлди. Бундай институт ҳам 1809 йили Швецияда биринчи конституцион меъёрларнинг пайдо бўлиши жараёнида ва ҳукумат органлари ва бошқармалари, шунингдек, судлар устидан парламент назоратини таркибий топшириш зарурати юзасидан пайдо бўлди.

1919 йилдан бошлаб аста-секин бошқа мамлакатларда таркиб топиб ҳуқуқий назорат тизимига кирди.

Инсон ҳуқуқлари умумхаҳон декларацияси ва Ўзбекистон республикасининг Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқи ва эркинликлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлигига бўлган ҳуқуқлари, судга қадр ва суд вақтидаги текширувлар адолатли амалга оширилишини талаб қилиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва экологияга доир ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари учрамоқда.

Учрашув катнашчилари ўзаро мулоқот натижасида амин бўдиларки, Омбудсман ва касабга уюшма ташкилотли ишларда, умуман фаолиятида катта муштараклик бор. Демократик жамиятнинг қуришида Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил ва энг оммавий ташкилот бўлган касабга уюшмалари ўртасида ҳамкорлик ниятида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, меҳнатчилар иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, моддий нозор ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофазалаш, шахс ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, одамлар маданияти, маънавий ва интеллектуал манфаатларини амалга оширишда шарт-шароитлар яратиш бериш ва шу каби ўзаро боғлиқ йўналишда ҳамкорлик уюшмаларнинг Омбудсман билан ҳамкорликда ишлаганини давр тақозо этмоқда.

Учрашувда бу борада қатор тақдир-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, Омбудсман билан касабга уюшмалари ўртасида ўзаро муносабат юзасидан концепция ишлаб чиқишга қарор қилинди.

**Булар ПЎЛАТОВ,**

**«Ишонч» мухбири,**

# МУСТАҚИЛЛИК ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

**Тарих хотираси, халқнинг, жонажон улканнинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоёт муҳим ўрин тутати.**

**Испом КАРИМОВ.**

Эътибор беринг — кейинги етти йиллар мобайнида йулбошчимиз нега муттасил тарихимиз — миллий тарихимиз, миллий қадриятларимизни беғараз — холис, чинакам илмий-назарий асосларда тиклаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келадилар?

Нега ёзувчилар, тарихчилар ва умуман ижтимоий фанлар вакиллари билан ўқитин-ўқитин учрашиб улар олдида бу муаммони қўйиб, унинг энг турби ечимини излашга даъват этадилар? Халқ ҳужалигини ривожлантириш, шаҳар-қишлоқда саноят барпо қилиш, бу борада энг тараққий этган мамлакатлар билан ҳамкорликни тобора кенг миқёсда йўлга қўйиш, бутун жаҳонда зулуксиз рўй бериб турган гоёт мураккаб, гоҳо ута қалтис, ута жиддий воқеа-ҳодисаларга муносабатлар билдириб туриш ва ҳар қандай вазиятда ҳам мустақиллигимиз манфаатларини қўзғаб иш юрита билиш — демакки, бутун иқтисодий-сиёсий ҳаётимиз жараёнида-тарих, адабиёт мафкура сингари маънавий масалаларга шунчалик эътиборни қаратиш нега зарур бўлиб қолди?.. Ҳамма гап шунда. Агар биз мақоламиз давомида шу суроқларга бир қадар жавоб беришга эришсак, муродимиз ҳосил бўларди.

Йулбошчимиз тарихчи олимлар билан ўтказган учрашувлари, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида — ижтимоий фан мутахассисларининг аниқ кунлардаги вазифаларини белгилаб бердилар. Тарихимизни турби тиклаш — бизнинг асл инсоний заминимизни, бугунгача етиб келиб эришган барча фазилатларимизнинг туб негизи, илдишларини аниқлаш, аниқлаганда ҳам бузғайиб-ёрмай аниқлаш нақадар муҳим эканлигига эътибор жалб этилади...

Фан оламида шундай аниқ фикр мавжудки, ҳар бир халқ ва миллат тарихини урганишда тарих сифатидаги фан билан бирга унинг адабиёти ҳам гоёт муҳим ўрин тутати. Демоқчиликки, адабиётлар тарихи ҳам халқ ва миллатнинг зулуксиз, жуда муҳим аниқ ўз тарихидир... Адабий ҳаётда пайдо бўлган ҳар бир бадий асар, ҳар бир илмий-назарий тадқиқот, ҳатто ҳар бир тақриз ҳам халқ ва миллат тараққийнинг қайси давр, қайси босқичига оид бўлишидан, қайси мавзудалигидан қатъий назар, уша халқ ва миллатнинг муайян ҳаётини акс эттирган, уша халқ ва миллат тарихининг йилномаси сифатида яратилган бўлади... Аммо майдонга келган асарларнинг тарихий аҳамияти, маънавий — маърифий урнини, яъни ҳақиқий баҳосини эса, мадҳиячилар, мадҳохлар, ҳужумчилар, агар таъбир жоиз бўлса, «лаббайчилар»-у, «эзма-чурлар» эмас, яна тарих беради. Биргина мисол, ҳар бир асрда минг-минглаб асарлар яратилади, вақт ўтиши билан шулардан қуллари унутилади, оз қисми эса, асрлар оша халқлар қалбида ар-

қи ҳам аниқ унинг ана шундай образли тасвиридадир... Шоирнинг «Шарқ» сарлаҳали шеърдан бир парча келтирамиз, унда сиз худди шу гоъвий — мундарижа ифодасини кураасиз:

### Шарқ

**Қардошларим, мана сизга бир ўлка —  
Ким, топилмас ер юзюда сингари,  
Ҳар ёғда кенг, ям-яшил ўймоқлар,  
Жон сувиндан етишганлар гуллари...  
Оғочлари яшил кийимлар кийган  
Эмилишлар топингани тангрига.**

Маъzur сатрларда республикамиз гузал табии манзараларининг бир кичик лавҳаси берилди. Ҳақингиз билан сиз қандай бир гузал макон бағрида ашаддиганингизни тасаввур этасиз... Кетидан эса, бу боғи — бустонни ураб турган қудратли тоғ-чуққилари, уларнинг нақадар гурур билан бизни асарлаб тургани, ҳар қандай босқичига дош берадиган халқ ва миллат ифтихори шундай тасвиридадирки, ҳар бир онгли укувчи бу сатрларни ҳаяжон билан ўқийди, бинобарин, уз ватани қудратига қўшилиб у билан баробар нафас олиш ҳиссиёти бутун вужудини қамраб олади. Бизга қолса, тарихимиз ва адабиётимизнинг ёшларда ватанга муҳаббат, у билан фахрланши ҳис-туғиларини тарбиялаш нуқтаси ҳам аниқ шу йўсинда амалга оширилади.

Энди мана бу сатрларга эътибор қилинг:

**Оғир, юксак, кўркам, хайбатли тоғлар  
Ундан,  
Сўлдан,  
Ҳар ёқдан  
Ҳақ йўлида курашувчи аскардек  
Ясов тортиб, кўкрак кериб, юксалган,  
Кўкдан дохий ўз ҳаққини истардек...**

Ана бир муҳим нуқта шулки, Фитрат унинг ҳамфиқр замондошларининг ҳаммаси — XX асрнинг 10—20-йилларида кўпгина тарихий мазуларга мурожаат қилганлар ва уларнинг деярли энг яхши ижодий маҳсулотлари аниқ тарихий воқеаларга бағишланган. Нега шундай? Эеро улар аввало Ватанинг келажаги тарих билан узвий боғланганини чуқур тушунганлар, ёшларни ўз умтишимизни чуқур билиши воситасида зулгини англаб олишга, бинобарин, узининг узок ўқин умтиши ҳақида турги тасаввурга эга бўлиб, келажагини турги белгилай олишга қобил шахслар қилиб етишишларини орзу қилганлар... Бундай тафаккурга эга бўлиш — ҳақиқий зиёлилик белгиси, асли зиёлининг энг юксак фазилати саналиши деб қаралса, хато бўлмас керак... Чунки ҳақиқий зиёли уз умтиши, ота-боболари, авлод-аждодлари тарихига доим, ҳамма даврларда, ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам ҳурмат билан қараб келганлигини Фитрат гоёт чуқур идрок этарди... Шунинг учун ҳам унинг деярли унлаб сахна асарларининг ҳаммаси тарихий мазуларда ёзилган ва бунда замонанинг энг долзарб муаммолари бадий, фалсафий таҳлил этилади... 20-йиллар ўзбек адабиёти драматургиясида тарихий жанрга асос солган ҳам Фитрат, энг кўп асар ёзган ҳам Фитрат эди...

Энди Фитратнинг айрим тарихий драмалари ва тарихий мавзудаги бошқа асарлари ҳақида қисқача тухтаймиз.

20-йиллар ўзбек адабиётида тарихий мавзуга ана-мунча ёзувчилар мурожаат қилгани маълум. Аммо бутун орасида ҳам катта зид-

диётли дунёқараш шундай қучли эдики, бу аниқ уша даврнинг тарихий вазиятлари билан изоҳланади. Яъни, тарихий мазуларда асар ёзганларнинг айримлари умтишини бутунлай қоралаб, инкор этиб, уни фақат хато-ю, нуқсонлар гирдобиди қурсатадилар. Бундай қараш қизил империянинг октябр тунтиришдан аввалги барча ҳаётини инкор этиш, қоралаб, фақат октябрдан кейинги қизиллар даврини мактаб қўратиши, ёки қизил империяга қарашли ерлардаги барча халқларни бахтли ҳаётга эришганлар сифатида намойиш қилиш йўлидан борилди. Бу албатта, оқибат натижада тарихни сохташларга, бузиб-ёриб коммунистик мафкураи зулраб жорий этишга олиб келади. Фитрат 1919-йилда ёзган «Шарқ сивасати» сарлаҳали мақолада бу ҳолатни «коммунизмни тиққитириш» деб атаган эди... Иккинчи гуруҳ ёзувчилар эса, тарихий мазулардаги бадий асарларида умтишдаги воқеа-ҳодисаларни чуқур бадий таҳлил қилиб, ундаги нуқсонларни ҳам, муваффақиятларни ҳам холис тасвирилаб, хато ва нуқсонларни йўқотиш, энг яхши-ижобий нуқталарни давом эттириш, ривожлантириш йўли билан ёшларни тарбиялаш, жамиятини аниқ шу тарихий заминларда тараққий эттириш йўлидан бордилар. Жумладан, бутун жаҳидчилик оқимиға мансуб илғор зиёлилар ана шу дунёқараш билан изоҳлотлар ўтказишга интилдилар. Уларнинг энг йирик вакиллари қаторида Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқалар ана шу йўлни танлаганлар, уз асарларида бу гоъни муттасил ўтказиб келганлар. Жумладан, Қодирийнинг икки тарихий романи, Фитратнинг барча драмаларида биз буни яққол кураимиз...

Шу уринда бир нуқтани алоҳида таъкидлаш жоиз бўлса керак, XX аср ўзбек адабиёти тарихини урганиш борасида гарчи кейинги йилларда қатор мақолалар, тадқиқотлар, дарсликлар, қўланмалар яратилган бўлса-да, ҳали мавзунинг энг муҳим ана шу муаммоси тула ечимини топгани йўқ. Ёшлар, талабалар, мактаб ўқувчилари бу ҳақда турги маълумот бериш-халқимиз, миллатимиз тарихини илмий-назарий жиҳатдан турги тиклашда катта аҳамият касб этади. Эеро, адабиётимиз тарихини турги яратиш, илгари таъкидлаганимиздек, миллий тарихимизни турги тиклаш деган суздир...

Қизил империянинг худди 20-йилларда Туркистонда хунрезлик билан жорий этаётган босқинчиликларига қарши дадил бош кутариб чиққан Фитрат «Шарқ сивасати» деган асарига нималар деганига бир эътибор қилинг-чи, қандай манзаралар куз олдингизга келади: «...Шарқни бирлаштириш учун шарқиларнинг ишончини олмак, шарқни шарқларга узимизни тонитмоқ керак эди. Шарқни узимизга ишондурмак учун коммунизм асосларини куч билан Шарқ буйига

тасвирилаб бера олади. Жумладан, бизнингча «Темур сағанаси» асари учун унинг 1917 йилги ағдар-тунтар даврида ёзилган «Юрт қайғуси» туркумидаги мақолалар асос бўлган эса ажаб эмас. Эеро, ундаги «Темур онлинда» (Бир ўзбек йилнинг тилидан) фикр-мулоҳазаларини ҳар онгли инсон, қалбида заррача дара, яхши ният, олий хаймати, тафаккури бор кимса ҳаяжонланмай ўқиб олмайд, ўқиб ларзага келмай қолмайди... Улҳада руй бераётган хунрезликлар, адолатсизликлар, босқинчилар келтираётган вайронликларга қарши бош кутарган йигит, Ўзбек йигити-буоқ Соҳибқирон Амир Темур руҳидан мадад сўрайди. Босқинчиларга қарши отлангани, қуроллангани, озодлик учун курашларида жаҳондан оловларидан ҳам тап тортмай ўз миллий мустақиллигини ҳимоя қилишга бел боғлаганини катта журъат, зур матонат билан баён қилади... Агар шу ишларни иймон, виждон билан баҳармас-са буюк аждодлар руҳи ранжиб етишини таъкидлаб, эл-юрти ҳимоясига отланади... Ўзбек йигити бу мулоҳазаларини гам-алам билан изҳор этаётганда — уларни «Юрт қайғуси» деб аташи ҳам жуда оддий ва ута чуқур фалсафий маънолар кашф этади... Бизнингча «Юрт қайғуси» туркумидаги асар қаҳрамони — «Ўзбек йигити» — асли Фитратнинг ўзи-дир...

«Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари»-да эса Ҳиндистонда уч юз йиллардан бундан давом этиб келган инглиз мустамакочилиги қилимиларининг фош этиш баҳонасида бутун Шарқ халқларининг босқинчиларга қарши кураш омишга даъват этилади... Босқинчилар келтирган фожиялар манзарасининг гоёт даҳшатли лавҳаларини чизади ва улардан кутулишининг энг турги йўли—келгиндиларни ҳайдаб чиқаришдир деб хунд тоқ қилади... Яна бир асарига Фитрат инсон қудратини унлаб-унлаб дунд дейди: «...Агар тоғу, осмону, темиру-мум инсоннинг иқтидорли панжаси остида фарқи йўқ экан, нега кунга ухшаб қарам бўлиб яшаш керак?»... «Нега турмуш тарзини ўз ҳокимларидан урганар эканлар?»... «Инсон ҳар нима топаркан узининг интилишидан топади. Агарда интилим экансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз.» («Ҳинд саяёҳи») ва ҳоқа-зо...

Курииб турадики, XX аср ўзбек адабиёти тарихини чуқур урганиш миллий тарихимизнинг таркибий қисмидир. Уни чуқур тадқиқ этиш ёшларимизга улар ҳақида турги билим бериш—буоқ Истиклолимизга етти йил тулаётганда ҳам, ундан кейин ҳам жуда катта тарбиявий, маънавий аҳамият касб этади.

**Аҳмад АЛИЕВ.**

## ОЛТИАРИК НЕФТИ



**Олтиариқ нефт маҳсулотлари корхонаси (суратда) Олтиариқ, Риштон, Ёзёвон туманларининг жамоа, деҳқон-фермер хўжаликлари, ташкилот ва корхоналарига хизмат кўрсатмоқда.**  
**Айни пайтда «Олтиариқ нефт база»сига қарашли АЁҚШлари орқали кунига 20 тоннадан ортиқ автобензин аҳолига сотилмоқда. Шунингдек, тумандаги уруш ва меҳнат фахрийларига кўчма шаҳобчалар ташкил этилди. Уларда 50 фоизга арзонлаштирилган имтиёзли ёнғили сотилмоқда.**

**Ш. ОЛИМОВ, (ЎЗА) олган сурат.**

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Рангдор, бир қарашда эътиборни тортадиган ялтироқ қоғозли чет элда тайёрланган ширинликлар қанчалик кўркам бўлмасин мазаси оғизда қолмайди. Аммо «Туркистон»-«Абдугани Мансур» хусусий корхонаси ёрлиги битилган қандалот маҳсулотларини Гулистонда жон деб харид қилади.

Мирзақўлда бу соҳадаги оқоқлик яқин вақтда сезиларди. Боиси қизил империя даврида бу каби тармоқларни ривожлантиришга йўл берилмади. Воҳа кишиларидан фақат пахта талаб қилинди. Фақат турт истиқлолдан сўнггина янги-янги фиркалар, ҳаракатларимизда қатъийлик пайдо бўлди. Тадбиркорлик кенг йўл берилди. Бундай уйдабурон, ташаббускор кишилар манфаати қонун билан ҳимояланиши янги-янги имкониятларнинг ишга солинишига туртки бўлди. Бугун чўлқуварлар дастурхонига фазл бағишлаган Ўзбек-Сурия қўшма корхонасига ҳам ана шу улғур маво суриялик ишбилармон Абдугани Мансур ҳамқору ҳам-жиҳатликда асос солишди. Қўшма корхонанинг АҚШ долларини ташкил этди. Режани амалга

суриялик тадбиркорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Натжида янги қўшма корхона иш бошлади. Хом-ашдан қийинчилик йўқ. Қувончлиси шуки, жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош ширинликлар ишлаб чиқарилади.

### Ўзбекистон - Сурия

Ҳозирги кунда бу ерда йигирма нафар юқори малакали қандалотчилар меҳнат қилишмоқда. Қўли гул ишчилар ўн икки хил шоколад, турли хил печенье, пиширилган ҳамда музқаймоқлар, олти турдаги нон маҳсулотларини эл дастурхонига тортиқ этишмоқда. Ишчи-хизматчилар учун шарт-шароитлар муҳайё этилган. Махсус ишчи корхоналари билан таъминланган, хавфсиз иш шароитида фаолият юритаётганларнинг кайфияти аёло. Ойлик маош, муқофотлар, рағбат пуллари мунтазам бериб борилади. - Илк бор ширкат ташкил қилдим, - дея ҳикоя қилади корхона раҳбари А.Раимов. - Бироқ, эл юртга кўпроқ фойдамегса деган ниятни дилга жо қилганимизда Астойдил интилиб

дан оққан сувнинг қадри йўқ, деган нақл бор, - фикрини ифодалайди меҳнат фахрийси Фариди Халилова. Ёски касал: хориж молиға ёпишмасиз. Бироқ, Ўзбекистонимиз заминда етиштирилган неъматлардан таъхирланган қандалот маҳсулотларининг баҳоси йўқлигини энди тушуниб етдик. Маъzur қўшма корхонада тайёрланаётган неъматларни мунтазам равишда харид қилаёмиш.

### Н.ШАМСИЕВ.

Наманганда барпо этилган Ўзбекистон ва Япониянинг «Силк Роуд» қўшма корхонаси ўз маҳсулотини четга чиқара бошлади.

«Силк Роуд» Япониянинг «Марубени Корпорейшн», «Джайдо», «Кане-» қўшма корхонаси ўз маҳсулотини четга чиқара бошлади.

### Ўзбекистон - Япония

Бу ерда ишлаб чиқарилган ипақ толасининг дастлабки туркуми Япониянинг йирик тўқимачилик фирмаларидан бирига жўнатилди.

асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Наманганнинг «Атлас» акциядорлик жамияти «Силк Роуд» қўшма корхонасининг таъсисчиларидан бири бўлди. Корхонасининг қуввати бир йилда 156 тонна ипақ ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

**Н.ХУҲАЕВА, ЎЗА муҳбири.**



**Бахмал туманидаги «Бахмал» ҳиссадорлик жамияти қошида маъданли сув қадоқлаш цехи ишга туширилди. Польша жиҳозлари ўрнатилган цехда кунига 1,5 минг донна шифобахш неъмат қадоқланаётган.**

**Суратларда: 1. Жамият касаба уюшма кўмитаси раиси Дўвлон Норқулов, ишчи Бахринисо Мамадиева билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришпти. 2. Лаборатория мудири Абдусалом Эшбеков.**

**Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.**

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

ШАҲРИСТОННИНГ МАФТУНҚОР ҚИЁФАСИ

Кува туманидаги Шахристон тепалигининг буғунги қиёфаси нақадар мафтунқор.

Тарихий тепалик атрофини баландлиги 6 метрлик девор билан ўрашмиш, дейди вилоят мукамал курилиш бошқармасининг техник назоратчиси Зоҳиджон Аҳмедов.

Дарҳақиқат, бу ерда иш қилинган. Археологлар Кува тарихини янги-янги топилмалар билан бойитиб келишган бўлса, ундан ортиқ таққат лоти яна. «Қўқунқорилмиш» акционерлик жамияти, 84,77,16-хўжалиқлар роҳбарлигидаги қўқунқорилмиш жамияти, 4,10-қурилиш монтаж бошқармаси қурувчилари Шахристоннинг асл қиёфасини тиклаш ишларини охирига етказишяпти.

Тумандаги барча жамоа хўжалиқлари, корхона ва ташкилот меҳнатқашлари бу ерни кўркам ва обод масканга айлантиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Бу маҳабатли ва гўзал ишлар ҳозирданқор барчанинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Кува тарихини ўрганишдек масъулиятли вазифа Ўзбекистон Фанлар академияси, академик Яхё Гуломов номидаги Археология институти олимлари зиммасига юклатилган.

Шу муносабат билан институт қошида штаб тuzишди, унга республикадаги энг иқтидорли археолог олимлар жалб этилди.

Кувадаги «Кубо» археологик экспедицияси ходимлари Г.П.Иванов ва М.Юнусовлар бу ишда яқиндан ёрдам беришмоқда. Экспедиция VIII-IX асрларга оид ер қатламларини ўрганиш, Шахристон деворларини, хусусан унинг жанубий деворини тозалаб қўриққа олиб чиқиш, деворлар даврийлигини белгилаш каби бир қатор вазифаларни ўз олдига қўйган. Бундан ташқари, вилоятда ягона «Кува археология музейи» очилиши мўлжалланмоқда. Музей қурилиши нафақат туманда, балки водий аҳолиси маданиятида ҳам муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз. Асосий эътибор албатта, Аҳмад ал-Фарғоний яшаган давр маданияти тарихига қаратилмоқда. Кувадаги кенг қўлам ишларни ўрганиши Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан олиб борилган қазилма ишларига қиёсалаш мумкин. Шу кунгача эканлигини ҳикоя қилади. Туман маркази ва Шахристон тепалигини Фарғона, Марғилон, Шахрихон ва Асака шаҳарлари билан боғловчи магистрал йўл-

ғишдан чиройли қилиб ясалган 2 та ўчоқ топилди. Улар турт бурчакли. Учоқнинг чўғи тушириладиган бўлишида қўғ қолдиқлари дуч келинди. Бу айнан кўмир қолдиқи бўлиши керак, дейди археологлар. Чунки X асрдаёқ ёзма манбаларда Фарғонада кўмир қазиб чиқарилгани айтиб ўтилган. Ундан озгина нарида аса ўтга чидамли лойдан қилинган қозон деярли бунинг сакланиб қолган. Хоналар полдан икки донга ўша давр танга-чақаси топилгани ҳам гўвоҳ бўлди. Улар Кува шаҳрининг охириги қурилиш даврини белгилашда бебаҳо манбадир.


Кейинги қазилмалар Шахристоннинг жанубий-шарқий қисмида олиб борилди, унга археологлар А.Райимқулов, С.Сугановлар раҳбарлик қилишмоқда. Бу ердан қўлаб қилинган сопол ва шиша идишлар, танга-чақалар йиғиштириб олинди. Очилган

хона ва унинг ичидаги нарсалар XII-XIII асрларга тааллуқли бўлиб, Шахристон муҳофаза деворининг ташқари томонида унга тирқаб қурилган. Нима сабабдан бундай қурилиш қилинганини кейинги ишлар кўрсатади. Аммо ҳозирча тахмин сифатида икки хил фикрни билдириш мумкин. Биринчидан, бу жой, Шахристонга жануб томондан кириш учун дарвоза вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Иккинчидан, Шахристоннинг жануб томонидаги Андижон-Фарғона йўлини (ҳозирги 5 қаватли уялар атрофидаги ҳудуд) олдинги тадқиқотчилар (хусусан И.Ахромов, В.А.Булатовлар) Шахристоннинг давоми деб билганлар. Яқинда юқори қатламлардан топилган астадон (обсуарий) парчаси жуда қимматлидир. Сабаби астадонлар (эски тобулар) Фарғона водийсида қамдан-қам учрайдиган археологик топилмадир.

Бу ашёнинг VIII-VIII асрлар водийда диний удумларга қандай ривож қилинганлигини ўрганишда аҳамияти беқиёсдир. Мазлумки, Ўрта Осиё халқлари исломга қадар турли динларга эътиқод қилиб келганлар. Шулардан бири оташпарастлик, яъни зардуштийлик дини бўлиб, фарғоналиклар ҳам шу динга эътиқод қилганлар. Археологик қазилмалар чоғида топилган ўша бу динга мансуб топилмалар бу ерларда оташпарастлик динининг чўқур илдиз отанидан далолат бермоқда.

Хуллас, бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғонийга атаб қуриладиган меъморий биндалар фарғоналикларнинг ул зот юбилейларига ҳо-зирилган муносабат совғаларидир.

Аҳмаджон ТўХТАСИНОВ.



Норасмий жаҳон чемпиони

Олти яшар Франсуа Андре Донион Филидор (1726 йил 7 сентябрда Париж яқинидаги Дре шаҳрида туғилган) қирол ибодатхонаси ҳорда ашула айтди. У ўз вазифасига унинг ёшидаги бола қодир бўлган даражада буткул жиддийлик билан қаршди. У мусиқчиларнинг бир неча авлодини етиштириб берган оилавий анъанани давом эттириш керак, деган қарорга келган ота-онасининг режаларини биларди, боланинг мусиқий оҳанглари илғаш қобилияти ҳам гоёйда жойида эди.

Хорда қаттиқ интизом ҳукм сурарди. Ҳеч қанақа унинг йўқ, факатгина репетициялар орасидаги танарфус пайларда шахматга руҳсат этиларди: болакаининг эса дастлабки пайларда бунга уналчи ишқи йўқ эди. Бирок секин аста шахмат Филидорни домига торта бошлади. Энди у шахмат доналарини сурадиган пайларини пойлайдиган бўлиб қолди. Тахта узра ўйлаганларига дурустқор эришган сари, инсон хоҳиши билан зафар қўқувчи, ҳалок бўлиб, сўнг тирилувчи ёғоч сипохи пилдалардан иборат бу ажиб олам уни ўз оғушига қулиқор тортарди. Тез фурсатда тенгурлар орасида шахматда унга тенг келадигани топилмай қолди. Франсуанинг шахматдаги ютуқлари га уйдагилар эрмақдек гап, деб қарашди: «уйнашни эк-

тиркан, ўйнаса ўйнар, мусиқа соҳасидаги ишлари жуда тез яхши кетяптики»... Ун бир яшар Франсуанинг ота-онасининг қирол Людовик XV нинг ўзи мақтанганидан кейин эса, ёш мусиқачининг келажиги таъмин этилганлиги равшан бўлди, қолди. Бирок тақдир бошқача тасарруф этмоқчи ихтиёр қилди. Сарой капелмейстери деган бўш ўринни эгал-

Лекин, уни мусиқа олами тан олмасдан туриб, у буюк шахматчи деган шухрат топишга улгурган экан.

Филидор 14 ёшидаёқ қучли ўйинчи деган ном чиқарди. Тўғри, унинг «La Repensee» қаҳвахонасининг машҳур кунда-шундаларига етиб олишга ҳам анча бор эди. Бу ерда бошқача ўйнардилар, шунинг учун олдинга бу йиғитчага назар писанд қилмай қа-

Олдинга чемпион билан теппа-тенг ҳолда донга суриш ёш шахматчи учун қийин бўлди, бинобарин, рақиб битта руҳини олиб қўйиб ўйнарди. Аста-секин сийлов оза борди. Ниҳоят ўн олти ёшли шахматчининг тенг рақиб сифатида қирқ ёшли тахрибали Леголь қаршисига ўтиришдек узок кутилган дақиқалар етиб келди. Шогирд остозини енди...

Лекин шундан кейин ҳам Филидор мусиқани ўз ҳаётининг бош мезони деб билди. У дарс беради, ижод қилар ва бўш вақтларидагина шахмат ўйнарди.

Шахматчи сифатида унга шухрат келтирган нарса 1745 йили бир йўла икки тахтада гоёибона ўйнаганлиги бўлди. Буюк маърифатпарварлар Дидро билан Даламбер бу воқеани ўзларининг машҳур «энциклопедия»ларида тилга олиб ўтдилар.

Чамаси, туғилганидаёқ унинг пешонасига новатор бўлади, деб ёзиб қўйилган. Филидор мусиқада француз комик операсини яратувчилар-

ридан бири бўлди. Унинг халқ мотивлари асосида битган асарлари аҳолининг кенг қатламига яқин эди. У жами 25 та комик ва фежевий опера ёзди.

Хўш, унинг шахматга қўшган хиссаси-чи? Бу соҳада Филидор атғи битта «Шахмат ўйинининг тахли-ли» номи асар яратди. Лекин шундай бир асарки...

Бу шубҳасиз, ўша асарларининг шахматга нисба-тан принциплари янгича ёндошишдан дарак берувчи энг муҳим шахмат воқеаси бўлди. Биринчи бор 1749 йилда пайдо бўлган бу йитоб деярли тез орада йигирма мартча қайта-қайта чоп этилди ва бошқа кўпгина тилларга таржима қилинди.






Мажон МУҲИДДИНОВ. (давоми бор).

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР Берилган тўртта тасвирда ҳам оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

ФИЛИДОР

лаш йўлидаги кейинги барча уринишлар муваффақият келтирмади. Шундан сўнг Филидор композиция билан шуғулланишга аҳд қилди. Шундай қилиб жаҳон қарийб тасодифан яна битта атоқли композиторга эга бўлдики, ҳозирда унинг биости буюк мусиқачилар қаторида Париждаги «Грон Опера» пештоқини бежаб турибди.

рашди. Лекин, маълумки, шахматчининг қучи тахта узра синалади. Тез орада Филидор бошқаларни ўзи ҳақидаги фикрларини ўзгартиришга эришди. «Рожанс»нинг энг яхши ўйинчилари бирин-кетин маъх этилди. Енгилмаган фақат Франциянинг энг қучли шахматчиси саналувчи Легаль қолганди, холос.



Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Жиззах вилоятда мусиқани севган, мусиқа асбобини тушунган Борки, бахмаллик Абдуллажон Қушназаровни яхши билади. Уста қўлида сайқал топган дутор, тор, қашқар рубоби қўшни вилоятларда ҳам машҳур. Абдуллажон бахмаллик ёшларга санъат сирларини ўргатади. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Завқ» ижодий дастаси туман, вилоят кўрик танловлари гойлибди.

Суратда: санъат шайдоси уста Абдуллажон Қушназаров.

Спорт • Sport • Спорт

БАСКЕТБОЛ: 14-ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Японияда ўсим қизлар ўртасида баскетбол бўйича 14-Осиё чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси илк бор иштирок этди. Жаҳоннинг асосий тарқибини Юнусовд туманидаги 7 ИБУОУСМ тарбияланувчилари ташкил этишди. Шунингдек яна оқ нақар самарқандлик қизлар ҳам жамоага қўшилдилар. Биринчи учрашув хитойликлар билан бўлиши керак эди, лекин жамоанинг баъзи бир сабабларга қўра бу учрашувга етиб боришолмади ва улар ҳисобида 0:20 ҳисобида мағлубият эзилди. Филиппин терма жамоаси билан унинг жуда қийин бошланган бўлса-да вакилларимиз ўзларини ўнгла олишиб учрашувни 84:46 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди. Хитойлик «Тайбей» жамоасига эса 48:112 ҳисобида бой беришди. Қизларимиз Хундистон терма жамоаси билан унинг ўзларининг нимадларга қодир эканликларини намойиш этишди. Унинг 84:67 ҳисобида ўзбек қизлари фойдасига ҳал бўлди. Гонгкок баскетболчилари билан бўлган кескин «жанг»да спортчиларимиз ҳисобни 62:59 етказишди. Ҳақиқатда унинг учинчи ўринни эгаллаган жамоамизни малязияликлар қарши олишди. Лекин қучли рақиблари билан кечган бу учрашувда жамоамизга омад қилиб бокмади. Хитой терма жамоаси қизлари «Тайбей» жамоасини 80:41 ҳисобида мағлубиятга учратиб Осиё чемпионлигини қўлга киритишди.

ФУТБОЛ: БИЛЛУР СОВРИН УЧУН КУРАШ

Яққабов ва Шахрисабз шаҳарларида республика жисмоний тарбия жамоалари ўртасида кубок бешлашувлари яқинлади. Ушбу мусобақада 12 та жамоа турт гуруҳга бўлинган ҳолда биллур соврин учун кураш олиб боришди. Ҳақиқатда футболнинг қўшқонли «Шайхонтоҳур», «Динамо», «Хисор», «Олтин бошқоқ» жамоалари яқин фаворит бўлишига олдимишди. «Динамо»чилари 4:1 ҳисобида енгган «Шайхонтоҳур» ва «Олтин бошқоқ»нинг 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган «Хисор» жамоалари финалда учрашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Қизгин ва муросасиз курашларга бой бўлган ҳал қилувчи учрашувда «Хисор» жамоаси гўлиб чиқди.

Шундай қилиб «Хисор» ҳамда «Шайхонтоҳур» жамоалари ноябрь ойида Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтядиган биринчи лигага ўтиш турнирида қатнашишди.

Дониёр ЮСУПОВ.

Халқаро алоқалар тармоғи хизматларидан фойдаланувчи абонентлар диққатига!

Халқаро электронақалар Иттифоқи томонида Ўзбекистон Республикаси учун МУСТАҚИЛ ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН «998» КОД РАҚАМИ ажратилди.

Бу Россияга тегишли халқаро «7» код рақамини фойдаланишдан чиқариб юбориш имконини беради. Айни пайтда Республика телефон рақамлари тизимини мукамаллаштиришга хизмат қилади. 1998 йил 1 октябрдан яқин ва узок хорижий мамлакатлар учун «998» код рақами киритилади, шунингдек, 1999 йил 1 январигача янги қоида тартиби билан ёнма-ён фойдаланилаётган амалдаги «7» код рақами сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасига рақам терий тартиби МДХ давлатлари учун 1999 йил 1 апрелгача сақланиб қолади. «998» код рақами фойдаланилган вақтда вилоятлар код рақамларининг биринчи рақами тушириб қолдирилади. Узок хорижга чиқувчи абонентлар учун рақам терий тартиби қуйидагича:

Table with columns: Қарши шахрига, Амалдаги код, Янги код, Қашқадарё вилояти, Амалдаги код, Янги код, Мамлакат коди, Вилоятлар коди, Абонент рақами, Т/М коди, Абонент рақами.

Ушбу ўзгаришлар ҳақида маълумот бошқа мамлакатларда ишлайдиган операторлар орқали телефон тармоқлари абонентлари хабар қилинади.

ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!

Ўзбекистон халқаро телефон алоқаларининг янги код рақамлари ҳақидаги маълумотни чет эл мамлакатларидаги абонентларига етказишни янада тезлаштириш ҳамда мулоқотларни мезъбрида амалга ошириш учун ўша мулоқотнинг ўз вақтида бўлишига зарур шароитлар яратиб бериш мақсадида телефон орқали ёки хат орқали сизга телефон қилиши мумкин бўлган чет эллик абонентларга Ўзбекистон янги «998» код рақами ва Ўзбекистон Республикасида керакли рақамларини терий тартиби ҳақида хабар қилинг.

Ўзингиз ҳақингизда маълумот берувчи шахсий чипталарингизга ўз вақтида ўзгариши киритишни унутманг.

«ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОМ» А.К.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

Ажойиб ҳаёт сари қадам

ҚҲЙ (21.03-20.04) Ҳафта бошида бироз меҳнат қилишга тўғри келади. Ижобий ёндашув чоршанба ва пайшанба кунлари мушкул ишларни ҳал қилишда ёрдам беради. Жума пул тушуми кунди. Дам олишга фақат яқинба кунни тўғри келади.

БУЗОҚ (21.04-21.05) Душанба маблаг билан боғлиқ бўлган қувончли оилар билан бошланади. Соғлиқ борасидаги қичкина нохушлик пайшанба кунини бевозта қилади. Дам олиш кунлари эса бир қанча ажойиб таасуротларни ҳаёт этади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06) Ҳафта бошида ҳаётингизда глобал ўзгаришларни киритишни режалаштириш мумкин. Юлдузлар сиз томон бўлгани учун чоршанба кунини барча ишларингиз ўнгидан келди. Унутилмас романстик саргузаштларни дам олиш кунлари бошингиздан кечирасиз. Қ И С Қ И Ч Б А Қ А (22.06-23.07) Сешанба ва чоршанба кунлари иш билан боғлиқ мулоқотлар, савдо борасида тузиладиган битимлар самарали бўлади. Навбатдаги файли кунларингиздан бири - бу жумадир. Дам олиш кунларини ўз оила аъзоларингиз билан ўтказинг.

ШЕР (24.07-23.08) Ҳафта бошида тобингизнинг бироз қучиш эҳтимоли бор. Муҳим телефон қўнғирогини чоршанба кунини кутинг. Ҳафтанинг иккинчи ярми сиз учун файли ўтади. Бу кунларда энг мушкул ишларингизни ҳам ҳал қила оласиз. СУМБУЛА (24.08-23.09) Душанба ва чоршанба кунлари қариндошлар билан боғлиқ бўлган келишмовчиликларни бошдан кечирिशга тўғри келади. Пайшанба - янгиликлар кунини. Соғлиқ билан боғлиқ нохушликлар жума кунини куталади.

ТАРОЗИ (24.09-23.10) Душанба сизга романтик учрашувни ҳаёт этади. Ҳафтанинг энг омадли кунларидан бири бу - чоршанбадир. Ажойиб ҳаёт сари қадамни айнан шу кун кўйишингиз мумкин. Бу кунни қўлдан бой берманг.

ЧАЁН (24.10-22.11) Сешанба кунини гаройиб воқеанинг гувоҳи бўласиз. Чоршанба ва пайшанба иш борасида омадли келади. Шанба кунини алдинги қолишдан сақланинг. Дам олиш кунини хушчақоқ дўстлар даврасида ўтказинг.

УКОТАР (23.11-21.12) Ниҳоят эркин нафас олиш имкониятига эгасиз. Чунки бу ҳафтада барча бурж белгилари сизга ҳавас қиладилар, бунга сабаб сиз ўйлаган барча нарсаларининг рўбга чиқиш эҳтимоли катта. Фақат чоршанба кунинидаги қичкина нохушлик бу ажойиб оиларга пурут етказиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.01) Ҳафта бошидаги юрак хасталиги билан боғлиқ муаммолар ишга тўлиқ киришишга халатки беради. Ажойиб хушхабар сизни чоршанба кунини кутади. Жума кунини кишиларнингиздан бири билан қичкина можаро келиб чиқиш эҳтимоли бор.

ҚОВГА (21.01-19.02) Ажойиб шахс билан учрашув сизни душанба кунини кутади. Пул ишлаб топиш учун чоршанба кулай кун. Пайшанба ва шанба кунлари нохуш даврларни бошдан кечирिशга тўғри келади.

БАЛИК (20.02-20.03) Ҳафта бошида ижод борасида яхши натижаларга эришасиз. Иш билан боғлиқ учрашув пайшанба кунини яхши самара беради. Жума ҳар қандай иш учун қулай кун. Дам олиш кунлари яхши хордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг.

Advertisement for 'ИШОНЧ' magazine, featuring a pencil and the magazine title.

Advertisement for 'Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ'.

Advertisement for 'Бош муҳаррир қабулхонаси' and 'Касба уюшмалари на кўрсаткичи'.

Advertisement for 'Ташкент шаҳри, «Бухорос» (Собик «Принца Востока») кўчаси, 24-уй'.

Advertisement for '«Шарқ» нашрийёт-матбаа концерни'.